



ИСЛОМ ТАРИХИДА ФАРМАЦЕВТИКА РЕНЕССАНСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Ниёзалиева Мунаввар Рустам қизи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8419921>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01-October 2023 yil

Ma'qullandi: 04- October 2023 yil

Nashr qilindi: 09- October 2023 yil

KEY WORDS

фармацевтика, сайдалоний, Беруний, Ибн Сино, Ибн Байтар, дорихона, “Тибб қонунлари”

ABSTRACT

Ислол тарихига қараладиган бўлса, исломнинг дастлабки давриданоқ тиббиётга алоҳида аҳамият берилганини кўриш мумкин. Дастлабки шифохоналарнинг айнан ислом диёрларида пайдо бўлгани ҳам фикримизни қўллаб-қувватлайди. Тиббиёт ривожланиши натижасида фармакология ҳам алоҳида соҳа сифатида ажралиб чиқди ва мутахассислар учун қўлланма ва дарсликлар ҳам мусулмон олимлари томонидан дунёга тақдим қилинди. Хусусан, Ибн Сино, Абу Бакр Розий, Беруний сингари фарматсевтларнинг хизматини бугун ҳамма бирдек эътироф этади. Мазкур илмий мақоламизда ислом тарихида фарматсевтга қўйилган талаблар, соҳага оид ёзилган энг машхур асарлар ҳамда баъзи машхур кашфиётлар ҳақида сўз юритилади.

Ўрта аср мусулмон дунёсининг олимлари кўп жиҳатдан замонавий фармацевтикани касб сифатида ривожлантирди. Бағдод халифаси Маъмун (мил. 813–833) олимларни табиий маҳсулотга асосланган дориларни таржима қилишга ва ишлаб чиқишга ундаган. Ўша пайтдаги фармацевтлар “сайдалоний” деб номланган. Улар доривор моддалар сифатида фойдаланиш учун ўсимликлардан олинадиган ингредиентларни ва экстрактларни қидириб топдилар ва уларнинг физик-кимёвий хусусиятларини тушунтириб беришгача етиб боришди. Бу охир-оқибат илм майдони ичида мисли қўрилмаган ўсишга олиб келди.

Клиник амалиётда фойдаланиш учун кўплаб янги дорилар, шу жумладан, сенна, кофур, сандал дарахти, мушк, мирра, кассия, тамаринд (ҳинд хурмоси), мускат ёнғоғи, чиннигул, аконит, амбар ва симоб препаратлари киритилган. Бағдоднинг дастлабки дорихона дўконлари, эҳтимол, биринчи бўлиб дори-дармонларни тижорат мақсадида ишлаб чиқарган ва тарқатган. Дори-дармонлар малҳам, таблетка, эликсир, шам каби турли хил шаклларда беморга қулай тарзда ишланган. [1]

Ҳар бир шифохонада дорихона бўлиб, у шифокор томонидан беморга кўрсатилган ичимлик ва дори-дармонлар билан таъминланган. Абдуллоҳ Даффа ўзининг “Тиббиётдаги араб ва мусулмон имомлар” китобида шундай дейди: “Мусулмон

уламолари милодий XII асрдан бошлаб ҳар бир шиғохонага дорихона жойлаштирганлар”. Шундай қилиб, шиғохона ичида дорихона ташкил этиш ғояси саккиз асрдан кўпроқ вақт олдин амалга оширилган араб-ислом цивилизациясидан бутун дунёга ёйилган ғоядир. [2]

Европада тиббиёт ва фармацевтика бўйича билимлар асрлар давомида тўхтаб қолган пайтда ислом ўлкаларида илм излашга ва уни жамият фойдаси учун татбиқ қилишга доимий қизиқиш бўлган. Бу ҳолат илм-фан, технология ва тиббиёт каби турли соҳаларнинг жадал ривожланишига туртки берган. Бошқаларнинг соғлиғи билан шуғулланадиган одамлар ахлоқий жиҳатдан етук ва профессионал маълумотга эга бўлишлари кераклиги доимо уқтирилган. Бутун ислом оламида IX–XV асргача ўқимишли фармацевтлар томонидан юқори баҳоланган ва қатъий риоя қилинган кўплаб қоидалар мавжуд эди. Ушбу фармацевтлар ўз жамоаларида жуда ҳурматга сазовор эдилар. Бағдод каби илм-фан ва маданият марказларида ҳукмдорлар дорихона амалиётини тартибга солувчи фармонлар чиқарган. Тартиб-қоидаларни назорат қилувчи мухтасиб ва унинг ёрдамчилари бозорларда айланиб, товарларни сотиш, оғирлик ўлчовларнинг тўғрилигини текшириш, шунингдек, дорихона ва тиббиётни, зино ва ижтимоий қонунбузарликларни чеклаш ҳамда жамоатчиликни ҳимоя қилиш мақсадида назорат қилишган. [3]

Мусулмон олимларининг фармакология соҳасидаги ютуқлари орасида улар дори воситаларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимига киритганлари, шу тариқа касбни назоратсиз эркин савдодан давлат назорати остидаги олганлари эди, деб айтиш мумкин. Мухтасиб (соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик ходими)нинг вазифаларидан бири дорихоналарни текшириш, улардаги дори воситалари мавжудлигини таъминлаш, уни хавфсиз ва алдамасдан тайёрлаш усулига риоя қилиш, дори воситаларининг фақат тиббий кўрсатма бўйича сотилишини таъминлаш эди. Мухтасиб турли хунар ва касб эгаларининг исм-шарифлари, жумладан, фармацевтлар дўконларининг жойлашуви қайд этилган ёзувларни юритган. [2]

Шунингдек, мухтасиб фармацевтлардан ҳеч кимга зарарли дори бермаслик, унга заҳар қўшмаслик, жамоат жойларида ҳеч кимга тумор ёзмаслик, аёлларга ҳомилани туширувчи дори ҳақида гапирмаслик каби жамиятнинг ривожланишига тўсиқ бўладиган ҳаракатларни амалга оширмаслик ҳақида дорихона ходимларидан қасам ичтириб оларди. Мухтасиб фармацевтлар ёнига соҳа мутахассисини юбориб турарди. Унга дори воситалари, уларнинг таркибини ўрганиш, агар дори таркибининг сохталаштирилганини аниқласа, буни фош этиш вазифаси юклатилган. [2] Шундай қилиб, фармацевт “чуқур диний эътиқодга, бошқаларга эътибор беришга, умумий масъулиятни ҳис қилишга ва эҳтиёткор ва худодан кўрқишга” чақирилган. [4]

Шуни таъкидлаш керакки, исломда биринчи мухтасиб саҳобия аёл Шифо бинт Абдуллоҳ исми “тиббиёт ходими” бўлган. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу халифа бўлганларида, уни Мадинанинг мухтасиби этиб тайинладилар. [5]

Араб ҳукмдорлари, хусусан, IX асрда халифа Маъмун таржима мактабларини ташкил этиб, юнон китоблари араб тилига таржима қилинган. [6] Илк таржима қилинган китоблар орасида фармация ривожини учун катта аҳамиятга эга китоблар ҳам бор. Масалан, Юнон олими Теофрастнинг “*Historia plantarum*” ва Диоскориднинг “*De Materia medica*” китоби қадимги дорихона ва тиббиётнинг умумий кўринишини ўз ичига

олади. Кейин улар кўп йиллик изланишлар ва олдинги цивилизациялардан қабул қилган нарсаларни қайта текшириш натижасида ўзларининг тажрибаларини қўшдилар. [6]

Илк фармакологик ривожланиш заҳарланишда қўлланиладиган воситаларни аниқлаш сабабли юзага келган. Бу ишни асосан токсинолог ролини ўйнаган алкимёгарлар бажарган. Алкимёгарлар IX асрда кенг тарқалган эди. Оддий металлларни қимматбаҳо металлларга айлантира олмаган бўлсалар ҳам, уларнинг меҳнати фармацевтика ривожига катта ҳисса қўшди. Улар органик ва ноорганик моддаларнинг кенг доирасини билиб, тажрибаларида бир қанча кимёвий усуллар, техникалар ва лаборатория жиҳозларидан фойдаланганлар. [6]

Энг нуфузли олимлардан бири Беруний таъкидлаганидек, “дорихона тиббиётдан мустақилдир, чунки тил ва синтаксис шеъриятдан... мантиқ фалсафадан ажралиб турганидек, фармацевтика ҳам тиббиётга тобе эмас, балки унга ёрдамчидир”. [6]

Касбий билимли фармацевтнинг жамиятдаги ўрни эътибордан четда қолмади, аксинча, олқишланди. Фармацевтнинг касби ва ўрни ҳақида илк бор Беруний ўзининг “Сайдана фит тибб” китобида фармацевтга шундай таъриф берган: “Барча дори-дармонларни тўплаш, оддий ва мураккаблардан фақат энг яхшисини танлаш ва яхши дори тайёрлашга ихтисослашган мутахассис бўлиб, даволаш бўйича соҳа эгалари томонидан тавсия этилган энг аниқ усулларга амал қилади”. [6] Фармацевтнинг ушбу тавсифи замонавийдан бироз фарқ қилади. Беруний фармацевтика эгалари учун академик тайёргарлик ғоясини илгари сурди. У дори-дармонларнинг организмга таъсирини билиш оддий тайёргарликдан кўра муҳимроқ эканлигини таъкидлади. Беруний ўз китобида фармацевтнинг арабча номини “сайдаланий” деб атаиди, бу эса санскрит тилида “сандал дарахти сотувчи” деган маънони англатади. [7] Биринчи хусусий дорихонанинг очилиши ҳақида тарихчилар, бу дорихонанинг тиббиётдан мустақиллигини кўрсатади, деб ёзадилар. Уларнинг кўпчилиги биринчи дорихонани 754 йил апрель ойида Бағдод халифаси Мансур очганини таъкидлайдилар. [8] Гап шундаки, Бағдоднинг ўзи ҳам зикр қилинган йилдан ўн йил ўтиб ташкил этилган ва қуриб битказилган.

“Тиббиёт – бу инсон танасининг соғлиғи ва унинг йўқлиги билан боғлиқ масалаларни ўрганадиган фан бўлиб, унинг мақсади соғликни мавжуд бўлганда сақлаш ва йўқ бўлганда тиклашдир”, дейди Ибн Сино.

Биринчи маълум бўлган тиббий кўрсатма IX аср ўрталарида Сабур ибн Саҳл томонидан дорихоналарда фармацевтлар қўллаши учун тайёрланган. Китобда тиббий рецептлар, аралашмаларни тайёрлаш усуллари, уларнинг фармакологик таъсирлари, дозалари ва қўллаш усуллари мавжуд. [9]

Дориларнинг таъсирини икки йўл – қиёс ва тажриба билан айтиш мумкин. Тажриба қилиш маълум шартларни ҳисобга олган ҳолда дорининг кучини аниқ билишга олиб келади, деймиз, деб ёзади Ибн Сино.

Дастлабки фармацевтлар мураккаб дорилардан ташқари, юзлаб оддий ўсимликлардан унумли фойдаланишган. [9] Улар кунжут ёғини йўтални йўқотиш ва томоқни юмшатиш учун ишлатишган. Қизилмия ўсимлигининг пояси ва баргларида олинган шарбат нафас олиш йўллари, безларнинг шишиши ва томоқни тозалашда яхши ҳисобланган, илдизи эса оёқ яраларини даволашда қўлланилган.

Кардамон эса танани совутади ва овқат ҳазм қилишга ёрдам беради, у араб қаҳвасининг асосий таркибий қисми сифатида сақланиб қолган. Зира яллиғланишга қарши восита сифатида ва ошқозон қисилишларини енгиллаштириш учун ишлатилган ва ҳозир ҳам қўлланилади. Арпабодиён семиришнинг олдини олиш учун ишлатилган.

Мирра ўзининг шифобахш хусусиятлари учун бириктирувчи восита сифатида жуда қадрланган ва диспепсия, сурункали бронхит, лейкорейани даволашда ва оғиз касалликларида асосий дори сифатида ишлатилган.

Ибн Синонинг “Тибб қонунлари”да кўкнори, меҳригиёх, мингдевона, чойяпроқ уруғи самарали оғриқ қолдирувчи воситалар сифатида келтирилган.

Парпи ревматизм, бўғимлардаги оғриқ, кўк йўтал, астма ва иситма учун буюрилган. Чиннигуллар тиш оғриғи ва қусишни тўхтатишда ишлатилган.

Ўрта аср мусулмонлари биринчи бўлиб кассиядан фойдаланганлар ва унинг сурги дори сифатидаги таъсирини қадрлашган. Бу эса уни ёш болалар ва қариялар учун машхур ўсимлик давосига айлантирган. Умумий ўсимлик давоси бўлиб қоладиган зира ёғи овқат ҳазм қилишга ёрдам бериш учун олинган. Қайнатилган тошчўп (тимён) шамоллаш учун буюрилган ва унинг табиий шаклида овқат ҳазм қилиш ва тиш оғриғи учун даво ҳисобланган. Заъатар билан пиширилган нон нафас олишни енгиллаштирувчи фазилатлари учун қадрланадиган оддий нонушта ўти бўлиб қолмоқда.

Мусулмон шифокорлар ёнғоқ ёғини ошқозон ва буйрак касалликларида, айниқса, Ибн Синонинг таъкидлаганидек, “яхши овқатланиш учун” ишлатишган. Абу Мансур Қумрий ширин бодом ёғини “ичакларни очиш учун яхши ва ошқозон, буйрак, жигар, кўкрак ва ўпкадаги оғриқларга фойдали”, деб таърифлаган. Қандли диабетни даволаш учун шувоқ, бош оғриғи учун исирик ишлатилган, анор пўстлоғи эса тери яраларига суртилган.

Юқорида саналган ўсимликлар табиблар даволашда қўллаган дори-дармонларнинг бир нечта кўриниши эди. [9] Ўсимликларнинг тиббиётдаги аҳамияти ҳақида Абу Ҳанифа Диноварий биринчи бўлиб, ўзининг “Ўсимликлар китоби” номи билан машхур китобида ёзган. Унда Арабистон ярим оролидаги мингдан ортиқ доривор ўсимликлар тилга олинган. Абу Бакр Розий фармакология ва дори-дармонларни тавсифлаш бўйича ёзган асарлари билан машхур бўлган. Мусулмон табиб ва фармацевтлар орасида Беруний “Сайдана”, Ибн Сурий “Содда дорилар”, Ибн Авом Ишбилиий “Андалусия қишлоқ хўжалиги” китоби муаллифидир. Ибн Байтарга келсак, у доривор ўсимликлар излаб Малага, Марокаш, Миср, Сурия ва Кичик Осиёга саёҳат қилган. [2]

Мусулмон олимларининг фармакологияга оид кўплаб китоблари ҳам лотин тилига таржима қилинган. Толедолик табиб Ибн Вофиднинг “Китобул адвияул муфрад” асари “De medicamentis simplisibus” номи билан лотин тилига таржима қилинган ва 50 дан ортиқ марта нашр этилган. Ибн Вофид ўсимликлардан камида 520 турдаги дори-дармонларни олиш учун кимёнинг техникаси ва усулларини тасвирлаб берди. [10]

XIII асрда яшаган мусулмон олими Ибн Байтарнинг “Жомеъ фил адвиятил муфрада” асари бугунги кунгача етиб келган энг йирик энциклопедия ҳисобланади. Ушбу асарнинг лотин тилига таржимаси 1758 йилда нашр этилган ва Европа фармакологиясига таъсир қилган. [10]

Доктор Жорж Сартон шундай дейди: “Шарқнинг урбанизацияга қўшган ҳиссасини

паст баҳолаётган баъзи ғарбликлар араблар ва мусулмонлар қадимги илмларни етказган ва уларга ҳеч нарса қўшмаган, деб эълон қилади ва бу фикр нотўғридир. Агар юнон ҳикматлар хазиналари бизга етиб келмаганида ва унга арабларнинг муҳим қўшимчалари бўлмаганида эди, цивилизация тараққиёти бир неча асрлар давомида тўхтаб қолар эди”. [2]

Бугунги кунда ҳар бир тўлдирилган рецепт, берилган ҳар бир дорихона лицензияси, қўлланилган ёки синовдан ўтган ҳар бир эликсир, сироп ва дори-дармонлар ушбу ислом меросини ўзида акс эттиради. Кимёгарлар ва биринчи шифокорларнинг қилган ишлари ҳозир биз учун жуда равшан бўлиб кўринса, бу фақат кечаги куннинг кашфиёти натижасидир. [9]

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Tschanz D W. Arab roots of European medicine. Heart Views 2003; 4:69–80. Saad B, Azaizeh H, Said O. Arab herbal medicine. In: Watson RR, Preedy VR (Eds.), Botanical Medicine in Clinical Practice. CABI, Wallingford, UK, 2008.
2. الخراط أحمد حذيفة - الإسلامية الحضارة في الصيدلة علم، الخراط أحمد حذيفة - <https://hiragate.com/1450/>
3. “Contributions of Arab and Islamic Scholars to Modern Pharmacology” of the Book “Greco-Arab and Islamic Herbal Medicine: Traditional System, Ethics, Safety, Efficacy, and Regulatory Issues” by Bashar Saad and Omar Said, 2011 John Wiley & Sons, Inc.
4. Albucasis. On Surgery and Instruments. English translation and commentary by M. S. Spink and G. L. Lewis, 1973.
5. Salim T S Al-Hassani, Editor, “1001 Inventions: The Enduring Legacy of Muslim Civilization”, 4th Edition Annotated, Text only. Kindle Edition, (3 Nov. 2017).
6. Mašić I. Srednjevjekovna arapska medicina/Medieval Arabic Medicine. Sarajevo: Avicena; 2010. p. 296.
7. Mašić I, Škrbo A, Mulić I. Farmacija u islamu. Sarajevo: Avicena; 2010. pp. 7–24.
8. Muminagic S, Masic I. The classics of Arabic medicine. Med Arh. 2010;64(4):254–6.
9. David W. Tschanz, The Islamic Roots of Modern Pharmacy. aramcoworld.com, May/June 2016 Vol. 67, No. 3, 18-23 p
10. Фармацевтика у мусулман
11. <http://www.islamisemya.com/farmaczevtika-u-musulman.html>